

ИМОМ МОТУРИДИЙ
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

ИМОМ МОТУРИДИЙ



IMOM MOTURIDY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2022

УЎК: 28(092)Мотуридий

КБК: 72(543)

86.38

3 60

Зиёдов, Шовосил

Имом Мотуридий [Матн] : рисола / Ш.Зиёдов. – Тошкент: «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2022. – 32 б.

УЎК: 28(092)Мотуридий

КБК: 72(543)

86.38

Муаллиф:

Шовосил Зиёдов,

тарих фанлари номзоди, доцент

Масъул муҳаррир:

Давронбек Махсудов,

тарих фанлари доктори (DSc), доцент

Тақризчи:

Сайдмухтор Оқилов,

тарих фанлари номзоди, доцент

Рисолада буюк аждодимиз, қалом илми султони, ҳидоят имоми Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёт йўли, устоз ва шогирдлари, бой илмий-маънавий мероси ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, унда уламоларнинг Имом Мотуридий ҳақида билдирган фикрлари ҳамда олимнинг ҳикматли сўзларидан намуналар ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузури-даги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 13.04.2021 йилдаги 03-07/2418-сонли хуносаси асосида тайёрланди.

ISBN 978-9943-7403-7-2

© «Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2022

МУҚАДДИМА

Кўхна Мовароуннаҳр ҳам дунёвий, ҳам диний илмларда юксак чўққиларни забт этган юзлаб забардаст алломалар етишиб чиқсан заминдир. Афсуски, Чор Россияси, ундан кейин шўро салтанатининг исканжасида қолган халқимиз бир ярим аср давомида улуғ аждодлар меросидан мосуво бўлиб қолди. Хуфя тарзда илм олган ва илм берганларни истисно қилиб айтиш мумкинки, буюк мутафаккирлар эл-улус хотирасидан ўчиб кетди.

Истиқлолгача халқимиз фақат дунёвий илмларда бемисл ғайрат-шижоат кўрсатган алломаларимизни танир, улар хақида озми-кўпми тасаввурга эга эди. Ойни этак билан ёпиб бўмаганидек, уларнинг тадқиқот ва кашфиётларини инкор этишнинг ёки маҳфий тутишнинг имкони йўқ. Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” ёки Мирзо Улугбекнинг “Зижи Кўрагоний” асари аввал русча нашр этилгани, кейин ноилож ўзбек тилига ўгирилгани шундан далолат беради.

Истиқлол вазият ривожининг векторини юз саксон даражага буриб юборди. Айниқса, кейинги йилларда маънавий-маърифий меросимизни тиклаш, ўрганиш, ҳаётимизга татбиқ этиш ва дунёга тарғиб қилиш эътибори кучайди.

Инсоннинг маънавий дунёсини бойитмай туриб, кўзланган натижага эришиб бўлмаслиги тарихдан барчага яхши маълум. Зеро, дунёвий илмларни пухта эгаллаган, лекин инсоний фазилатларга эга бўлмаган киши башарият тамаддунини хаёлдан фаромуш қилиб, ўз қобифидаги тор манфаатларга чалғиб қолиши мумкин.

Шуни инобатга олган ҳолда, давлатимиз раҳбари янги-янги касб-хунар ва билимларни ўргатадиган таълим муассасаларини, хориждаги нуфузли академия, университет

ва институтларнинг филиалларини очиш билан бирга, бой маънавий-маърифий меросимизни тадқиқ этиб, кенг афкор оммага етказадиган марказларни таъсис этмоқда, улуғ аждодларимизнинг хоки абадий қўним топган муқаддас қадамжоларни тиклаб, атрофини ободонлаштирум оқда.

Тошкентда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми олий мактаби, Термизда Имом Термизий илмий-тадқиқот маркази очилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Очиқ эътироф этиш керакки, халқимиз Бухорий, Мотуридий, Термизий номларини эшигтан, лекин уларнинг ҳаёти ва илмий жасоратидан мутлақо бехабар эди. Дунё мусулмонларининг аксар қисми эъзозлаб улуғлайдиган, номларини чуқур ҳурмат билан тилга оладиган алломалар ўз она Ватанида эътибордан четда қолиб келаётган эди. Шундай хайрли ишларнинг самараси ўлароқ, бугун “Ҳадис илмида амирул мўминин” ким-у “Имомул худо” ким эканини, улар қандай хизматлари учун миллиарддан зиёд инсон олдида шундай юксак мартабага кўтарилиб турганини биламиз.

Бу борадаги энг муҳим йўналиш – маънавий қадриятларга бўлган ҳар томонлама ижобий муносабат. Табиийки, диний қадриятлар ҳам маънавий қадриятларнинг муҳим қисмини ташкил этади. Диний қадриятлар асосини ташкил этган исломнинг назарий масалалари тарихимизнинг турли даврларида ижтимоий онгнинг шаклланиши ва ривожланишига сезиларли таъсир ўтказиб турган. Ислом дини Мовароуннахрга кириб кела бошлаган даврдан турли диний таълимотлар, калом мактаблари ўлкамизда тарқала бошлади. Улар орасида Абу Ҳанифа (ваф. 767 й.) асос солган мактаб анъаналари нисбатан халқчиллиги, маҳаллий

халқлар маданияти ва урф-одатларига яқин жиҳатлари сабабли күчлироқ мавқега эга бўлди. Бу таълимот янги заминда Мовароуннахрда маҳаллий бой диний-маънавий анъаналар асосида қайта ишлаб чиқилди, бойитилди ва тартибга солинди. Мазкур жараёнга ватанимиздан етишиб чиқкан мутакаллим олимларнинг бир неча авлоди ўзларининг бекиёс ҳиссаларини қўшдилар.

Улар орасида, сўзсиз, ватандошимиз Абу Мансур Мотуридий муҳим ўрин тутади. Самарқандда яшаб ижод этган мутакаллим олим муайян шаҳар табақалари, уламолар гуруҳлари орасида ўз фаолиятини олиб борди. У ишлаб чиқкан мотуридия таълимоти шаҳар аҳолисининг ўрта табақалари манфаатлари билан боғлиқдир. Мазкур таълимот шу даврдан бошлаб узоқ вақтгача Мовароуннахр маънавиятининг асосий тамойилларини белгилаб келди.

У зот асос солган мотуридия мактаби Шарқ мамлакатларида бундай катта шухрат топишининг сабаби шундаки, унда илгари сурилган ғоялар ислом динимизнинг асосини тӯғрилик, эзгулик ва инсонийликдан иборат деб биладиган жамики мўмин-мусулмонларнинг қараш ва интилишлари билан ҳамоҳангдир.

ИМОМ МОТУРИДИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

Абу Мансур Мотуридий ҳаёти ва ижодига оид манбалар Абул Юср Паздавий (ваф. 493/1100 й.)нинг “Усулуд дин”, Абул Муин Насафий (ваф. 508/1114 й.)нинг “Табсиратул-адилла”, Ибн Фазлуллоҳ Умарий (ваф. 749/1348 й.)нинг “Масоликул абсор фи мамалики-л-амсор”, Абдулқодир ибн Абул Вафо Қураший (ваф. 775/1373 й.)нинг “ал-Жавҳаратул-музия фи табакоти-л-ҳанафия”, Ибн Қутлубғо (ваф. 879/1474 й.)нинг “Тожу-т-тарожим”, Мұхаммад Мұртазо Забидий (ваф. 1205/1791 й.)нинг “Итҳофу-с-садати-л-муттақин би шарҳи ихёи улуми-д-дин” ва Мұхаммад Абдулхай Лакнавий (ваф. 1304/1887 й.)нинг “ал-Фавоидул-баҳия фи тарожими-л-ҳанафия” асарларида учрайди. Шунингдек, замонавий тадқиқотчилардан Абдулмалик Саъдий, Шовосил Зиёдов, Сайдмухтор Оқилов, Сунмаз Қутлу, Ҳамза Бакрий, Саъд Аҳмад Даманхурий, Билқосим Ғолий каби мутахассислар мавзу доирасида рисола ва илмий ишлар нашр қылғанлар.

Имом Мотуридийнинг түлиқ исми манбаларда Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Маҳмуд Абу Мансур Мотуридий Самарқандий (ваф. 333/944 й.) деб қайд қилинган.

Абу Мансур Мотуридий Самарқанд яқинида жойлашган Мотурид қишлоғида туғилиб, шу ерда истиқомат қылғани учун унга “ал-Мотуридий” нисбаси берилған. Зубайдий “Итҳоф ас-сода ал-муттақин” номли китобида айрим манбаларда Абу Мансур Мотуридийнинг исмидаги Маҳмуддан кейин Мұхаммад исми борлиги ва олимга ал-Анзорий нисбаси ҳам берилганини таъкидлаган. Яна бир араб тадқиқотчиси Доктор Мұхаммад Айюб Али Абу

Мансур Мотуридийга нисбатан Ансорий нисбасини қўллаш асосли деб ҳисоблаган. У бунга Мотуридийнинг “Китобут-тавҳид” асарининг айрим қўллэзмалари хошиясида учратганини айтади. Бироқ, бошқа араб тадқиқотчиси Аҳмад ибн Авазуллоҳ Ҳазбий Абу Мансур Мотуридийга Ансорий нисбаси берилганини асоссиз деб хulosा қилган.

Лақаблари:

Аксарият манбаларда олимга қўйидаги лақаб ва унвонлар берилгани кузатилади: “Диннинг атоқли шахсларидан бири, мусулмонларнинг шайхи, имом, суннатнинг қиличи, адашган ва бидъатчи тоифаларни таг-томири билан қўпориб ташловчи, ислом шайхи, зоҳид, ҳидоят имоми, ҳидоят байроғи, ҳидоят ва дин имоми, миллат таянчи, умматни ҳидоятга йўлловчи, Самарқанд шайхларининг раиси, ханафий шайхлари раиси, мутакаллимлар имоми, мусулмонлар эътиқодини тузатувчisi, ахли сунна вал жамоа раиси, суннат нусратчisi, шариатни жонлантирувchisi, мусулмонлар эътиқодини мустаҳкамловchisi”. Булар орасида Имом Мотуридийнинг “ҳидоят имоми” ва “ҳидоят байроғи” деган лақаблари энг машҳури ҳисобланади.

Имом Мотуридийнинг таваллудига доир маълмотлар табақот ва тарожим йўналишидаги бирор манбада кўрсатилмаган. Лекин олимнинг устоз ва яқинларининг вафот этган санасига қараб, унинг тахминий таваллуд йилини белгилаш мумкин. Жумладан, унинг шайхлари Муқотил Розий (ваф. 248/862 й.), Нусайр ибн Яҳё Балхий (ваф. 268/882 й.) ва яқини Мухаммад ибн Аслам Аздий (ваф. 268/882 й.)ларнинг вафотига қараб тахминий тарзда Имом Мотуридий 230/845 ёки 240/854 йиллар атрофида таваллуд топган, дейиш ўринли бўлади.

Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий мероси акс этган тарихий манбаларда ўзи ва отасининг исми Мухаммад ва бобосининг исми Маҳмуд экани ҳақидаги

қайдлардан бошқа маълумотлар учрамайди. Шунингдек, олимга нисбатан “Абу Мансур” кунясининг қўйилиши унинг “Мансур” исмли ўғли борлигини ҳам ифодаламайди. Чунки, унинг ўзи “Таъвилоту-л-Қуръон” асарида: “Ўғил кўрсам исмини Мансур қўяман” деган умидида ўзини-ўзи “Абу Мансур” деб кунялаганини Масад сурасида келтирган. Абу Мансур Мотуридий Масад сурасини толиби илмларга шарҳлаб, китобига қоралаётганда тахминан 60 ёшда бўлган. Абу Мансур Мотуридийнинг Мансур исмли ўғли бўлганида, албатта, Абул Муин Насафий “Табсирату-л-адилла” асарида бу ҳақида маълумот берган бўларди. Шундан келиб чиқиб, Мотуридийнинг ўғли бўлмаган, деган тўхтамга келиш мумкин. Мотуридийнинг илмий меросини тадқиқ қилган замонавий шарқшунослар ҳам унинг ўғил фарзанди бўлмаганини таъкидлаб ўтганлар. Масалан, У.Рудольф, В.Маделунг каби ғарб шарқшунослари ўз тадқиқотларида унинг ўғил фарзанди бўлгани ҳақида сўз очмаганлар. Турк тадқиқотчиси Шукру Ўзеннинг таъкидлашича, Мотуридийнинг ўғил фарзанди бўлганида, албатта, манбаларда бу ҳақда маълумот берилган бўлар эди.

Самъоний ўзининг “ал-Ансоб” асарида Абу Мансур Мотуридийнинг қизи борлигини таъкидлаб, у Абулҳасан Али бин Ҳасаннинг онаси бўлганини айтган. Бу маълумотни Абулқодир Курашийнинг “ал-Жавҳарату-л-музия фи табақоти-л-ҳанафия” асарида келган қуйидаги маълумот қўллаб-қувватлайди: “Қози Абул Ҳасан шайх Абу Мансур Мотуридийнинг набираси бўлиб, у биринчи таълимни она томонидан бобосидан олган”. Умуман олганда тадқиқотларда Абу Мансур Мотуридийнинг қизи томонидан икки эвараси, яъни қизининг неваралари борлиги тахмин қилинади. Улардан бири Шайх Қози Ҳасан Мотуридий (ваф. 450/1059 й.). Афсуски, Ҳасан Мотуридийнинг илмий мероси ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган. У бобоси

Абу Мансур Мотуридийнинг ёнига, Чокардиза қабристонига дафн қилинган. Иккинчи эвараси Қози Абул Ҳасан Али ибн Ҳасан Мотуридий (ваф. 511/1117 й.). Манбаларда таъкидланишича, у она тараф бобосидан фикҳ илмини ўрганган ва ундан Абу Ҳафс Умар Насафий ҳадис ривоят қилган.

Машхур қомусий олим Тошкўпризода “Мифтаху-саода” асарида Абу Мансур Мотуридийнинг илмий меросига шундай баҳо берган: “Аҳли сунна вал жамоанинг калом илмидаги раҳнамолари икки кишидир. Бири ҳанафий бўлса, иккинчиси шофеийдир. Ҳанафий раҳнамо Абу Мансур Муҳаммад ибн Маҳмуд Имому-л-ҳуда, Раис аҳли сунна вал жамоа Абу Мансур Мотуридийдир. Шофеий раҳнамо эса Шайх аҳли сунна, Раису-л-жамоа, Имому-л-мутакаллимин Абул Ҳасан Ашъарий Басрийдир”.

Абул Муин Насафий Мотуридийнинг илмий мавқеи ва калом илмидаги қадр-қимматини юксак баҳолаб, қуйидаги сўзларни баён қилган: “Мовароуннаҳрда Абу Мансур Мотуридийдан ташқари барча ҳанафий олимлар мавжуд бўлмагандა ҳам, Абу Мансур Мотуридий уларнинг ўрнига кифоя қиласр эди. Чунки у шундай зотки, илм уммонининг энг қаърига шўнгиб, ундан дуру гавҳарларни олиб чиқди ва диний хужжатларни ўзининг фасоҳати, мислсиз заковати билан зийнатлади. Шунинг учун у вафот этганида, Шайх Абул Қосим Ҳаким Самарқандий унинг қабри устига “Ушбу қабр илмларни ўз нафасларигача қамраб олган, уни тарқатишда кўп заҳматлар чеккан, қолдирган мероси кўп мадҳ қилинган ва ўзининг умр дараҳтидан кўплаб мевалар тера олган зотнинг қабридир”, - деб ёзишларига буюрган эди”.

Абул Муиннинг “Табсирату-л-адилла” асарида Абу Мансур Мотуридий ҳақида келтирилган яна бир ривояти унинг ислом оламида илмий мавқеи жуда катта бўлганидан далолат беради. Асарда таъкидланишича, агар Абу Мансур

Мотуридий устози Абу Наср Иёдийнинг дарсида айрим сабабларга кўра иштирок этмай қолса ёки кечикса, ҳатто, устози ўз шогирдига нисбатан чексиз хурмати ва муҳаббатининг изҳори сифатида ўша дарсда Мотуридий ҳозир бўлмагунча бирор сўз ҳам айтмас экан. У Абу Мансур Мотуридийни узоқдан бўлса-да, дарсга келаётганини кўриб қолса, хурсандлигидан таажжуб билан унга тикилиб қолар ва Қуръондан қўйидаги оятни ўқир экан: “**Раббингиз Ўзи хоҳлаган нарсани яратур ва (хоҳлаган ишни) ихтиёр қилур...**” (*Қасос сураси, 68-оят*).

Мотуридийлик таълимоти олимларидан Носирий ҳам Абул Муин Насафийнинг юқорида билдирган фикрларини келтирган ва уларга кўшимача қилиб Мотуридий илмий меросига шундай баҳо берган: “Абу Мансур Мотуридийнинг илми шу даражада эдики, ҳатто унинг илми туфайли ақида илмida тўғри йўлдаги одам билан нотўғри йўлдаги одам фарқланар эди. Бидъатчилар, хусусан, мўътазилийларнинг асли кимлиги унинг илми билан равshan бўлиб қолар эди. Мўътазилийларнинг ўзлари эса, аҳли сунна вал жамоани ва Абу Ҳанифага эргашганларни “мотуридийлар” деб тан олар эдилар. Мўътазилийлар уларни “мотуридийлар” деб аташларининг сабаби шунда эдики, Абу Мансур Мотуридий ва унинг шогирдлари уларнинг ақидаларига кучли раддия берган жамоа эдилар”.

Машхур олим Муҳаммад ибн Абдираззоқ Ҳосирий Зубайдий “Итҳофу-с-садати-л-муттакин фи шарҳ ихё улумиддин” номли асарида Абу Мансур Мотуридийни бундай тилга олган: “Абу Мансур Мотуридий дин учун курашувчи, аҳли сунна вал жамоа ақоидини мустаҳкамловчи олим эди. У мұтазилийлар ва бошқа турли оқимларнинг эътиқодларига кескин зарба берган. Абу Мансур Мотуридий улар билан бўлган баҳс-мунозараларда шундай йўл олиб бораардики, оқибатда уларнинг оғзини ёпиб қўярди. Шу сабабли ўша давр уламолари уни “Имом ал-худа” деб атаганлар”.

Абдуллох Мурогий “ал-Фатху-л-мубин фи табақот усулиййин” номли асарида Мотуридий ҳақида бундай деган: “Абу Мансур Мотуридий ниҳоятда ҳужжати кучли, тортишувда эса олов каби шиддатли мутакаллим ҳамда мусулмонлар ақидасини астойдил ҳимоя қилувчи шахс эди. У бетакрор илми билан адашғанларнинг шубҳаларига раддия берар ва соғ ислом ақидасини ўзига аралаштириб юборган бидъат ғоялардан тозалар эди”.

Шайх Абул Қосим Ҳасан Надавий ҳам ўзининг “Рижолу-л-фикр ва-д-даъва” номли асарида Мотуридийни бундай сифатлайди: “Абу Мансур Мотуридий инсоний фикрларнинг билимдони эди. У ўзининг зийраклиги ва заковати билан бошқалардан алоҳида ажралиб турувчи ва кўплаб илмий фанларни мукаммал эгаллаган олим эди”.

Абу Мансур Мотуридий ақида соҳасида Абу Ҳанифанинг том маънодаги издоши хисобланади. Жумладан, “Ишорату-л-маром” асарининг соҳиби Баёзий, Муҳаммад Зоҳид Кавсарий ва Муҳаммад Абу Заҳралар айни бу маънони таъкидлаганлар. Жумладан, Абу Заҳра “Тариху-л-мазаҳибиль исламия” асарида бундай деган: “Абу Ҳанифадан нақл қилинган ривоятлар билан Абу Мансур Мотуридий қарор қилган ақидавий мавзуларни ўзаро бир-бирига таққослаб кўрилса, ҳар иккисининг илдизи бир манбага бориб тақалиши аён бўлади. Шунинг учун Абу Ҳанифанинг ақидавий қарашлари қонун-қоидалар мажмуаси бўлиб, Имом Мотуридийнинг мактаби шу асосда шаклланган, дейилади. Ироқ ва унга яқин худудлардаги уламолар фуруъ-ул-фиқҳ масаласида Абу Ҳанифага эргашган бўлсалар, ақидавий масалада ашъарийларга таянганлар. Лекин мовароуннаҳрлик олимлар фуруъ-л-фиқҳ ҳамда ақида илмида Абу Ҳанифанинг маслакини туттганлар”.

Баёзий “Ишорату-л-маром” асарида қайд қилишича, Абу Мансур Мотуридий Абу Ҳанифанинг “ал-Абсат”, “ар-

Рисола”, “ал-Олим вал мутаъаллим”, “ал-Васия” ва “ал-Фиқху-л-акбар” китобларини ўзининг Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжоний ва Абу Наср Аҳмад ибн Иёдийлардан қабул қилиб олган.

Абу Мансур Мотуридий яшаган даврга келиб (IX асрнинг охири – X асрнинг биринчи ярми) Мовароуннахрда тўғри йўлдан адашган турли гурух ва фирқалар кўпайиб, уларнинг аксарияти имон-эътиқод масалалари бўйича баҳсу мунозаралар туфайли вужудга келган эди. Мана шундай мураккаб шароитда аллома Абу Мансур Мотуридий етишиб чиқди ва уларнинг нотўғри фикрларига асосли раддиялар берди. У ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифанинг (699–767) таълимотига суюнган ҳолда ўзига хос калом мактабини яратди. У асос солган мотуридийлик таълимоти кейинчалик Самарқанд калом мактаби доирасидан чиқиб, бутун ислом оламига тарқалиб, суннийликдаги икки йирик мактабнинг бири (бошқаси – ашъария) сифатида танилди.

Жумладан, Абу Мансур Мотуридий ўзининг “Таъвилоту-л-Қуръон” асарида адашган фирмаларнинг сўзларини келтириб, уларни таҳлил қилиб, раддия берган. Муаллиф ўз тафсирида замонасидаги мўътазилийлик, хорижийлик, карромийлик, жабарийлик каби оқимларни зикр этиб, уларга муносиб тарзда ақлий раддиялар берган. Жумладан, Мулк сурасидаги “(Ахир) яратган зот (Ўзи яратган нарсаларини) билмайдими?!?” (14-) оят таъвилида Жаъфар ибн Ҳарб, Абу Бакр Асоммларнинг қуйидаги сўзини келтириб, унга жавоб берган: “Оятдаги مَن [ман] – “ким” сўзидан Аллоҳ таоло эмас, маҳлуқотлар тушунилади”, деган сўзларини келтириб, унга ақлий таъвиллар орқали раддиялар берган. Жумладан, Жаъфар ибн Ҳарб, Абу Бакр Асоммлар бандаларнинг касбий феъллари яратилмаган деган гояни ўртага ташлашга уринишса, Имом Мотуридий уларга қарши аҳли сунна вал жамоа таълимотини кўллаб-куvvatlab бандаларнинг феълинини ҳам маҳлуқлигини исботлаган.

“Таъвилоту-л-Куръон” асарида фикхий мавзуларни ўртага ташланиб, унинг ечимини тавсия қилиниши Абу Мансур Мотуридийнинг фақиҳлигини исботлайди. Жумладан, Пайғамбаримизнинг *“Мерос қолдирмаймиз ва биз қолдирган нарсалар садақадир”* ҳадиси остида фақиҳларнинг қарашларини келтириб таҳлил қилиши ва мавзу юзасидан ўзининг қарашини тақдим қила олиши Мотуридийнинг фақиҳ сифатида эътироф этилишига туртки бўлган. У “Таъвилоту-л-Куръон” асарининг кўплаб жойларида Абу Ҳанифа, Муҳаммад ибн Ҳасан, Абу Юсуф каби олимларнинг сўзларидан фойдаланган. Баъзи ўринларда ҳанафийлик мазҳаби имомларидан бирортасини айнан келтирмай “асҳобларимиз” деган атамани қўллаган. Абул Муин Насафий (ваф. 508/1114 й.) Абу Мансур Мотуридийнинг Абу Ҳанифа билан ўртасидаги алоқани тавсифлаб бундай деган: “Шайх Абу Мансур Абу Ҳанифанинг этагини усул ва фуруъда маҳкам тутган”.

Манбаларда Абу Мансур Мотуридийни “зоҳид, Раббоний олим” деб васф этилиши, тасаввуфда унинг юқори мартбаларга чиққанини англатади. Жумладан, олим ўзининг “Таъвилоту-л-Куръон” асарининг Қосос сураси, 614-615-, Аҳзоб сураси, 113-, Ҳадид сураси, 49-50-, “Инсон сураси, 352-, Назиъат сураси 378- ва Моида сураси, 61-оятларида илоҳий муҳаббат, зуҳд, тақво, охиратни дунёдан устун қўйиш каби тасаввуфнинг нозик қирралари ҳақида сўз юритган. Мазкур оятларнинг тафсирида келган маълумотлар Абу Мансур Мотуридийнинг тасаввуф пешвоси сифатида баҳолаш имконини беради. Ҳусусан, у Аҳзоб сурасининг 113-ояти шарҳида зуҳдни икки қисмга тақсимлаб, уни изоҳлаган. Абу Мансур Мотуридий ўзининг “Таъвилоту-л-Куръон” асарида: “Ер юзи набий ёки валийдан холи бўлмайди” деган. Абул Юср Паздавий (ваф. 493/1100 й.) ўзининг “Усулу-д-дин” асарида Имом Мотуридий ҳақида

қўйидагиларни қайд қилган: “У каромат соҳиби ва аҳли сунна вал жамоанинг раисларидан бўлган. Бобом Зоҳид Абдулкарим ибн Мусодан нақл қилишича, Абу Мансур Мотуридийнинг кўплаб каромлатлари бўлган”. Алишер Навоий ўзининг “Насоиму-л-муҳабба” асарида ҳам Абу Мансур Мотуридийнинг кароматини зикр қилиб, у киши хақида бундай деган: “Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий ўз замонининг аълам уламоси эрмиш. Ул вақт уламоси аларни “Султону ал-муиззин” дер эрмишлар. Зоҳир ва ботин улумлари била ороста эрмишлар”.

Устозлари:

У дастлабки билимини ўз отаси Муҳаммад ибн Маҳмуддан, сўнгра бошланғич мактабда таълим олган. Ундан кейин Самарқанддаги “Работи Ғозиён” масжиди қошидаги мадрасада таълим олганлиги хақида маълумотлар бор.

У Самарқанддаги “Дору-л-иёдия”, “Дору-л-жузжония” мадрасаларида фаолият олиб борган маҳаллий ҳанафий факиҳларга шогирд тушиб, улардан таълим олди. Абул Муин Насафий, Баёзий ва Забидийлар Имом Мотуридийнинг устозлари сафиға Муҳаммад ибн Муқотил Розий (ваф. 248/862 й.), Нусайр ибн Яҳё Балхий (ваф. 268/882 й.), Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Субайҳ Жузжоний, Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёдий (ваф. 275/889 й.)ларни киритган. Қўйида Абу Мансур Мотуридий устозларига оид турли манбаларда келган бешта шажарани кўрсатиб ўтамиз:

Мотуридийнинг ilk устози Абу Бакр Жузжонийнинг Самарқанд ҳанафий мактабини ривожлантиришда жуда муҳим ўрни бор. Абул Муин Насафийнинг таъкидлашича, у ҳатто шу мактабнинг асосчиси ҳам. Маълумки, Абу Бакр Балхда устози Абу Сулаймон Жузжонийдан илм олган. Абу Сулаймон Жузжоний ва Абу Ҳафс Кабир Бухорий (ваф. 832 й.) Бағдодда Абу Ҳанифа ўқувчиларидан бўлган Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан (ваф. 805) таҳсил олганлар. Бутун-

лай ўзгача ҳолатни Мотуридийнинг иккинчи устози бўлмиш Абу Наср Иёдийда кўриш мумкин. Абу Мансур Мотуридий устози Абу Насрдан бир қанча муддат дарс олган. Унинг бу устози мутакаллим сифатида алоҳида мақомга эга бўлган. Лекин унинг илоҳиётчилик соҳасидаги билимлари анъанавий исломда айтарли из қолдирган эмас.

Замонавий тадқиқотчилар илмий ишларида Абу Мансур Мотуридийнинг устозлари ҳақида ўзгача ёндашган ҳолда маълумотлар берганлар. Хусусан, олмон тадқиқотчиси У.Рудольф китобида Мотуридийнинг устозларига жуда кам ўрин ажратилган ва Абу Бакр Жузжоний билан Абу Наср Иёдий ҳақида тўхталиб ўтилган.

Турк тадқиқотчилари эса Абу Мансур Мотуридийнинг устозлари хусусида батафсил маълумот берганлар. Масалан, Ахмет Ак ўз тадқиқотида Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжоний, Абу Наср Иёдий, Муҳаммад ибн Муқотил Розий, Нусайр ибн Яҳё Балхий, Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Жузжоний ҳақида маълумотлар келтирган.

Шогирдлари:

Абу Мансур Мотуридийнинг шогирдлари ўз даврининг етук олими, фәқиҳи ва калом илми мутахассислари бўлган. Жумладан, Абул Қосим Ҳаким Самарқандий (ваф. 342/953 й.) Ином Мотуридийдан фиқҳ илмини ўрганиб, у Абу Бакр Варроқ ва балхлик машҳур шайхлардан тасаввуф илмини ўрганган. Ҳаким Самарқандий Абдуллоҳ ибн Саҳл Зоҳид, Амр ибн Осим Марвазийлардан ҳадис ривоят қилган. Абул Муин Насафий уни қўйидагича таърифлаган: “У уммат рози бўлган ва улар орасида макталган киши эди. Унинг юксаклиги ва улуғлиги қалбларга ўрнашган эди. Калом, фиқҳ, Қуръон таъвили, маърифат ва муомалот илмларини мукаммал билган ва мазкур илмларда юксак чўққиларни забт қилган олим эди”. Абул Қосим Самарқандийнинг бизгача “ас-Саводу-л-аъзам” номли асари етиб келган. Бу

асарга Иброҳим Ҳилмий ибн Ҳусайн деган олим “Саломул аҳком аъла саводил аъзам” номли шарҳ ёзган. Бу китоб Истанбулда 1896 йили нашр этилган.


Абу Мансур Мотуридийнинг шогирдларидан яна бири Абул Ҳасан Рустуғфаний (ваф. 350/961 й.)дир. Абу Ҳафс Насафий ўзининг “ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд” асарида олим нисбасини “Рустуфағний тарзида қайд қилган”. Аксарият замонавий тадқиқотчilar уни Рустуғфаний шаклида зикр қилганлар. Олимнинг “Иршодул-мухтадий”, “Китобу-з-завоид”, “ал-Хилоф”, “ал-Фатаво” номли асарлари бор.

Фахрул ислом Паздавийнинг бобоси Абу Мухаммад Абдулкарим Паздавий (ваф. 390/1000 й.) ҳам Абу Мансур Мотуридийнинг етук шогирдларидан бўлган. У “Дурру ақоид аҳли сунна вал жамоа” асарининг муаллифи ҳисобланади.

Абу Мансур Мотуридий шогирдлари силсиласининг кетма-кетлигини олмон тадқиқотчиси У.Рудольф қуидагича тузган:



У.Рудольф Абу Мансур Мотуридий шогирдларининг ушбу тартибида Ҳаким Самарқандий номини тушириб қолдириб, уни Абу Наср Иёдийнинг шогирди сифатида эътироф этган. Фикримизча, Ҳаким Самарқандийни ҳам Абу Мансур Мотуридийнинг шогирдлари қаторига қўшиш мақсадга мувофиқдир. Шу тариқа Абу Мансур Мотуридий шогирдлари шажарасини қуйидагича тартибда бериш мумкин:



Имом Мотуридий 944 йилда Самарқандда вафот этган ва машҳур Чокардиза қабристонига дафн этилган. Шаҳар аҳолиси, айниқса, ўрта қатлам орасида машҳур бўлган уламолар, жумладан, Мотуридийнинг сафдош ва шогирдлари ҳам шу ерга дафн қилинган. Солих уламолар гурухи

фаолиятини тадқиқ қилишда ушбу қабристон ва у билан боғлиқ маълумотлар мухим аҳамиятга эга.

Турк адмиралি Сайди Али Раис XVI асрда Осиё бўйлаб саёҳатга чиқиб, Самарқанддаги Чокардиза қабристонини ҳам зиёрат қиласди. Бу ҳақда эсдаликларида баён этади. Шунингдек, XVIII–XIX асрларда ёзилган “Самария” ва “Қандийа хурд” асарларида ҳам Чокардиза ва унда дафн этилган улуғ алломалар ҳақидаги маълумотлар учрайди. В.Бартольд ҳам хотираларида 1920 йилдаги Самарқанд сафари давомида ушбу қабристонда бўлгани ва у ерда Мотуридий мақбарасини кўрганини таъкидлайди.

Юз йиллар давомида фақих, шайх ва уламолар дафн этилган Чокардиза қабристони шўролар даврида аҳоли яшайдиган манзилга айлантирилади. Натижада кўплаб қабртош ва қайроқлар йўқолиб кетади. Мотуридий мақбарасини тиклаш жараёнида эса фақих ва уламоларнинг қабртошлари топилди. Уларнинг аксари қорахонийлар даврига мансуб бўлиб, биз учун кўплаб янги маълумотларни бериши табиий. Ҳозир мазкур қабртошлар исломшунос олимлар Б.Бобожонов, А.Мўминов, У.Рудольф томонидан ўрганилиб, маҳсус тадқиқот чоп этилди.

XI–XII асрлар ҳанафий мутакаллимлари мотуридия таълимотини қайта тиклаш жараёнида унинг ижтимоий қарашларини акс эттирувчи фикрларини эътибордан четда қолдиришади. Кейинчалик Мотуридий фикҳ ва қалом масалалари билан қизиқиб, ҳанафий мазҳаби олимларидан дарс олиб, ўз билимини юксалтиради. Бу жараёнда кўплаб машҳур фақих ва муҳаддислар билан мулоқот ва мунозарада бўлади, шу соҳага оид асарлар ёзади.

Устозлари шажараси

Абу Мансур Мотуридийнинг илмий шажараси ҳақида манбаларда турли тадқиқотлар олиб борилган. Манба-

ларда қайд қилинган маълумотларга қараганда Ином Мотуридийнинг устозлари га оид турли манбаларда келган бешта шажара қайд қилинган:

Биринчи шажара Ибн Закариё Яхё ибн Исҳоқ қаламига мансуб бўлиб, Мотуридийнинг устозлари шажарасини кўйидагича тузган:

Шажарага эътибор берсак, 4- ва 5-ўринда турган олимлар ўрни аламашиб қолганига гувоҳ бўламиз. Чунки Абу Бақр Аҳмад Жузжоний Абу Абдуллоҳ ибн Абу Бақр Жузжонийдан олдин яшагани кўриниб турибди. Турк тадқиқотчиси Ахмет Ак ҳам ушбу шажарани шундайлигича берган.

Ином Аъзам Абу Ҳанифа (ваф. 150/767 й.)



Ином Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан
Шайбоний (ваф. 189/805 й.)



Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон Жузжоний
(ваф. 200/816 й.)



Ином Абу Абдуллоҳ ибн Абу Бақр Жузжоний
(ваф. 285/898 й.)



Шайх Факих Абу Бақр Аҳмад ибн Исҳоқ
Жузжоний (ваф. 250/864 й.)




Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёдий
(ваф. 275/889 й.)



Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944 й.)

Иккинчи шажара Камолиддин Аҳмад ибн Ҳасан Баёзий (ваф. 1098/1687 й.) қаламига мансуб бўлиб, у Абу Мансур Мотуридийнинг ўзигача унинг устозларини Абу Ҳанифа, Муҳаммад Шайбоний ва Муҳаммад ибн Муқотил Розий деб кўрсатган:



Юқоридагилар билан бир қаторда турк тадқиқотчиларидан Сўнмас Кутлу ва Ахмет Ак ҳамда олмон тадқиқотчиси Улрих Рудольфлар ҳам Имом Мотуридий устозларининг шажарасини тузганлар. Албатта, мазкур шажаралар орқали Абу Мансур Мотуридийнинг кимдан дарс олгани ҳақида бирламчи маълумотларга эга бўлишимиз мумкин.

ОЛИМНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Имом Мотуридий қаламига мансуб асарларнинг сони ўн бештага етиб қолади. Манбаларда кўрсатилишича, Абу Мансур Мотуридийнинг “Китобу-т-тавҳид” (“Тавҳид китоби”), “Китобу-л-мақолот” (“Моқолот китоби”), “Маъхазу-ш-шароиъ” (“Шариатлар манбаи”), “Китобу-

л-жадал” (“Мунозара китоби”), “Таъвилоту-л-Қуръон” (“Қуръон таъвиллари”), “Китобу баёни ваҳми-л-муътазила” (“Мўътазилийларнинг хом-ҳаёлини баён этувчи китоб”), “Радду-л-усул ал-ҳамса” (“Беш асосга раддия”), “Китобу радди аваили-л-адилла ли-л-Қаъбий” (Қаъбийнинг асосий далилларига раддия китоби), “Радду китоби-л-Қаъбий фи ваъиди-л-фуссок” (“Қаъбийнинг фосиқларнинг ваъидига бағишланган китобига жавоб”) каби асарлари мавжуд. Лекин санаб ўтилган бу китоблар ҳакида тўлиқ бир тасаввур йўқлиги тадқиқотчиларга қийинчилик туғдиради. Чунки илк ўрта аср мутакаллимларининг кўпгина илмий мероси каби Абу Мансур Мотуридий асарларининг аксарияти бизгача етиб келмаган. Унинг илмий меросидан фақат “Китобу-т-тавҳид” ва “Таъвилоту-л-Қуръон”лар сақланиб қолган.

Булардан ташқари Абу Мансур Мотуридийга яна бошқа баъзи асарлар ҳам нисбат берилган. Бунга мисол қилиб, Абу Ҳанифанинг “ал-Фиқху-л-акбар” рисоласига шарҳ тарзида ёзилган “Шарҳ ал-Фиқхи-л-акбар” номли асарни олиш мумкин. Ушбу асар ҳам баъзи манбаларда Абу Мансур Мотуридийга тегишли деб таъкидланган. Ҳатто Хайдаробод шаҳрида 1946 йил Абу Мансур Мотуридий номи билан нашр этилган.

Айрим тадқиқотчилар ушбу асарни Абу Мансур Мотуридийга эмас, балки унинг замондоши Абу Лайс Самарқандийга (ваф. 370/980 й.) тегишли деб эътироф этганлар. Асарни кўздан кечирадиган бўлсак, унинг бир қанча жойларида ашъарийларнинг эътиқодлари танқид қилинган. Маълумки, Абу Мансур Мотуридий даврида ашъария таълимоти кенг ривожланмаган эди. Абу Лайс Самарқандий эса, Мотуридийдан бироз кейинроқ, яъни IV/X асрнинг иккинчи ярмида яшаган. У даврда ашъария таълимоти танилиб бўлган эди. Шу нуқтаи назардан ушбу асарни Абу Лайс Самарқандийга тегишли деб тахмин қилиш

мумкин. Лекин олмон тадқиқотчиси У.Рудольф “Шарху-л-Фиқҳи-л-акбар” номли рисоланинг Абу Лайсга ҳам тегишли эмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, рисола матнида Абу Лайс фикрларининг берилгани, унинг муаллиф эканига асос бўлолмайди. Бу ерда рисоланинг номаълум муаллифи Абу Лайсдан иқтибос келтирган бўлиши мумкин, холос. Шунингдек, матнда, пайғамбарлар пайғамбарлигидан олдин кичик гуноҳлар қилган бўлиши мумкин, деган жумла учрайди. Абу Лайс эса пайғамбарлар доим ҳар қандай гуноҳлардан пок бўлганлигини қатъий таъкидлаган.

Шунингдек, турк тадқиқотчиси Ахмет Ак манбаларда қуидаги асарлар Абу Мансур Мотуридийга янгиш равишда нисбат берилганини айтиб ўтган: “Рисола фи-т-тавҳид”, “Китобу-л-усул”, “Васия ва муножот”, “Пандномаи Мотуридий” (форс тилида), “Фавоид”, “Китобу-т-тафсир ал-асмо ва-с-сифат”.

Юқоридаги асарлардан қатъи назар, бизгача Абу Мансур Мотуридийнинг “Китобу-т-тавҳид” ва “Таъвилоту-л-Куръон” номли асарлари етиб келган ва улар ҳақида аниқ тасаввурга эгамиз. Куйида олимнинг мазкур икки асари ҳақида муҳтасар маълумот бериб ўтилади.

Насафий ўз асарида таъкидлашича, Абу Мансур Мотуридийнинг “Таъвилоту-л-Куръон” номли тафсири ўз даврида машҳур ҳисобланган ва қўплаб олимлар ушбу асарни қуидагича тавсиф билан юксак баҳолаганлар: “Абу Мансур Мотуридий имомларнинг улуғи ва миллатнинг устуни эди. Унинг Куръонга ёзган тафсири барча чигалликларни очиб берувчи, инсон қалбидаги шубҳали қора булатларни хайдовчи ҳамда ниҳоятда балиф васф ила яратилган асардир. Аллоҳ шундай китобни ёзган зотга ўз саломини йўлласин”.

Абу Мансур Мотуридийнинг тафсири йўналишида ёзган ушбу асари “Таъвилот аҳли-с-сунна” ёки “Таъвилоту-л-

Куръон” номи билан танилган. Бу тафсир мотуридия таълимотида маълум ва машҳур бўлиб, мотуридия уламолари наздида, бошқа бирор аввалги ва кейинги тафсирлар унга тенглаша олмаган. Мазкур китоб бизга тўлиқ ҳолда етиб келган бўлиб, дунёнинг кўплаб қўллўзма фондларида нодир қўллўзма нусхалари мавжуд. Ушбу асарнинг энг қадимий нусхаси Маккадаги “Мактабату-л-Ҳарами-л-Маккий” кутубхонаси қўллўзмалар фондида сақланади.

Мазкур асар бўйича бир неча бор тадқиқот ишлари олиб борилган ва у нашр этилган. 1972 йили Қоҳирада Иброҳим ва Саййид Авзийлар китобнинг бир қисмини тадқиқ этганлар ва Фотиха сурасидан Бақара сурасининг ярмигача нашр қилдирганлар.

Хожи Халифа “Кашфу-з-зунун” асарида “Таъвилоту-л-мотуридия фи баён усули-с-сунна ва усули-т-тавҳид” номли китоб хақида маълумот берил ўтган. Унинг таъкидлашича, Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Аҳмад Самарқандий жамлаган ушбу китоб алломанинг бошқа китоблари орасида тили ва услуби жиҳатидан энг осон ва равон ўқиладиган асар бўлгани сабабли мотуридия уламоларининг асосий манбаи ҳисобланган.

Мазкур китобнинг бир нусхаси Ҳиндистондаги Худобахш номли кутубхонада 294-рақам остида сақланади. Ушбу манба устида тадқиқот олиб борган Доктор Айюб Али бу китоб Алоуддин Самарқандий томонидан Мотуридийнинг тафсирига ёзилган шарҳdir, деган хulosага келган. Абул Муин Насафийнинг шогирди Алоуддин Самарқандий “Таъвилот аҳли сунна” тафсирига “Шарҳу китоби-т-таъвилот” номли шарҳ ёзган.

Абу Мансур Мотуридийнинг мазкур тафсири ўз даврида катта шухрат қозонган. Бунга мотуридия уламоси Абул Муин Насафийнинг “Табсирату-л-адилла” асарида айтилган қуйидаги сўзларни мисол келтириш мумкин: “Абу

Мансур Мотуридийнинг Қуръонга ёзган тафсири барча чигалликларни очиб берувчи, инсон қалбидаги шубҳали қора булутларни хайдовчи ҳамда ниҳоятда балиғ васф ила яратилгандар. Аллоҳ шундай китобни ёзган зотга ўз саломини йўлласин”. “Таъвилот аҳли сунна” китоби 2009 йили турк олимиси Бекир Топалўғли томонидан иккинчи маротаба кўп жилдда нашр этилди.

Абу Мансур Мотуридийнинг энг муҳим асарларидан бири “Китобу-т-тавҳид” бўлиб, унинг асл нусхаси ҳозирда Кембридж университети кўлёзмалар фондида сақланади. У 206 варақдан иборат бўлиб, сатрлар сони 21 қатордан, кўчирувчи Амин Ҳанафий Шофеий деб кўрсатилган. Асар 15 шаърон 1150/31 декабрь 1735 йил кўчирилган. 1970 йили мисрлик олим Фатхуллоҳ Хулайф узоқ йиллар давом этган изланишлари натижасида Байрутнинг “Дорул машриқ” нашриётида “Китобу-т-тавҳид”нинг нашрини амалга оширган. Нашрда бир талай камчиликларга йўл кўйилганига қарамай, у ўзидан кейинги тадқиқотлар учун манба сифатида хизмат қиласи. Шундан сўнг “Китобу-т-тавҳид” яна бир неча маротаба нашр этилди.

Абу Мансур Мотуридий “Китобу-т-тавҳид” асари калом илмига оид олимнинг энг аҳамиятли асари ҳисобланади. Чунки унда олимнинг калом илмидаги ақидавий қараашлари ўз аксини топган. Шу туфайли “Китобу-т-тавҳид” асари мотуридийлик таълимотини билишдаги энг асосий манба сифатида эътироф этилган. “Китобу-т-тавҳид”ни мотуридийлик уламолари орасида биринчилардан бўлиб Абул Юср Паздавий “Усул ад-дин” асарида ва Абул Муин Насафий “Табсирату-л-адилла” асарида таъкидлаб ўтганлар ҳамда ундан иқтибослар келтирсанлар.

“Китобу-т-тавҳид” асарининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, ўз даврида унга турлича муносабатлар билдирилган. Чунки асар тил ва мазмун жиҳатидан ниҳоятда қийин услубда ёзилган эди. Шунинг учун ҳам, кейинчалик

мадрасаларда ақоид илмини ўқитишида ушбу асардан эмас, балки унинг мазмунини акс эттирган бошқа асарлардан фойдаланилган.

Асарнинг қийин тилда, мантиқ илмига асосланган ҳолда ёзилгани боис, уни кўплаб олимлар, ҳатто, мотуридия уламолари ҳам танқид остига олганлар. “Китобу-т-тавҳид” асарини биринчи бўлиб Абул Юср Паздавий танқид остига олган. Лекин у “Тавҳид”даги маъноларнинг ёпиқлиги, кераксиз жумлалар кўп ишлатилгани борасида сўз юритган, холос. Мотуридийнинг асарда ифодаланган ақидавий қарашларига эътиroz билдиrmаган. Айрим шарқшунослар Абул Юср Паздавийнинг ушбу танқидларидан келиб чиқиб, у тўлиқ мотуридия таълимотини танқид остига олган, деган фикрга келганлар.

Абу Мансур Мотуридий уламоларининг “Китобу-т-тавҳид” асарига бундай муносабатларининг олдини олиш мақсадида Абул Муин Насафий “Тавҳид”га шарҳ сифатида “Табсирату-л-адилла” асарини ёзиб, ундаги мураккаб, маъноси ёпиқ жумлаларни шарҳлаб берган. Абул Муин Насафийнинг бу ҳаракати натижасида зомонамизнинг айрим шарқшунослари уни мотуридийлик таълимоти интерпритатори (очиб, ёритиб берувчиси) деб атаганлар.

УЛАМОЛАРНИНГ ЭЪТИРОФЛАРИ

Алломанинг беназир салоҳиятини эътироф этган буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари ўзининг “Насойимул муҳаббат” асарида: “Шайх Абу Мансур Мотуридий” ўз замонининг аълам уламоси эрмиш. Ул вақт уламоси аларни “Султонул муиззин” дер эрмишлар. Зоҳир ва ботин улумлари била ораста эрмишлар”, деб айтганлар. Яъни Имом Мотуридий ўша вақтдаги энг билимдон киши бўлган. Шу давр алломалари у кишини “Азизлар султони”

номи билан аташган. У барча илмларни яхши ўзлаштирган.

Бу ўринда таникли тарихчи Тамимиининг у киши ҳақида ёзғанларига ҳам эътибор қилинг: “Имом Мотуридий ўз замонасининг энг буюк алломаларидан бири сифатида тан олиниб, барча унинг илму маърифатига таҳсин айтиб, унинг таълимоти зиёсини қўзларига тўтиё айлаганлар. Шу боис Имом Мотуридий нафақат унга хайриҳоҳ кишилар, балки рақиблари наздида ҳам “Имом ахлис сунна вал жамоа” (“Суннат ва жамоанинг имоми”), “Имомул ҳудо” (“Тўғри йўлга бошловчи имом”) деган энг олий унвонга сазовор бўлиб, калом илмида ўзига хос мўъжиза сифатида довруғи тилларда достон бўлган”.

Абул Муин Насафий (942–1114) ўзининг “Табсирату-л-адилла” асарида Мотуридий вафот этганида унинг шогирдларидан Абу Қосим Ҳаким Самарқандий (ваф. 342/954 й.) унинг қабр тошига мана бу битикларни ёздирганлигини айтади: “Бу қабр нафаслари миқдоридаги илмларни ўзида жам этган, бор кучини у илмларни тарқатиш ва ўргатиш билан тугатган, шунинг учун диний асарлари мақтovга сазовор бўлган ва ўз умридан серҳосил меваларни олишга эришган зотнинг қабридир”.

Иbn Закариёнинг “Шарҳ жума-л-усули-д-дин” асарида бир ривоятда келтирилишича, фақих Абдуссамад ибн Аҳмад Арбинжоний Абу Мансур Мотуридий вафот этганда Абу Бакр Иёдий қўйидаги сўзларни айтганини келтиради: “Диний илм ва ҳукмларни ўргатишда бу умматнинг олимлари ўтган пайғамбарлар кабидир. Ўтмишда бир пайғамбарнинг даври тугаб, ечилиши керак бўлган масалалар пайдо бўлса ва у масалаларни очиб берувчи бирор олим қолмаса, янги бир пайғамбар юборилганидек, бу умматнинг орасида ҳам ҳар асрда вафот этган фақиҳларнинг ўрнига ё янги олимлар келади ёки қиёмат бошланади. Чунки Аллоҳ ўз бандаларини йўл кўрсатувчилардан маҳрум қилмайди”.

“Таъвилоту-л-Куръон” бирор китоб тенг кела олмайдиган асардир. Балки бу фан бўйича ёзилган китобларнинг бирортаси унга яқин ҳам кела олмайди” деб ёзган эди Абдулқодир Кураший.

ИМОМ МОТУРИДИЙ ҲИКМАТЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Халқ билан бир тан, бир жон бўл.

* * *

Тўғри йўлнинг қалити илмдир.

* * *

Динни илм билан асра.

* * *

Доно сухбати икки дунё саодатидир.

* * *

Узоқда бўлса ҳам илм ўрганиш пайида бўл.

* * *

Нифоқ илмсизлик белгисидир.

* * *

Юрт ободлигини тиласанг, очиққўл бўл.

* * *

Бефойда тириклик ўлим билан баробар.

* * *

Ўзликни англашни буюқ хислат бил.

* * *

Бойликни иқбол бил, уни харж этмасликни эса бадбаҳтлик бил.

Диёнатда бардам ва мустаҳкам бўл.

* * *

Афв этмоқни ҳеч кимдан дариф тутма.

* * *

Мартаба, бойликка эришгач, ўзлигинг унумта.

* * *

Шаробу таомни кам е, кўпини ўзгага бер, есин.

* * *

Соғлиқни ҳаёт гарови бил.

* * *

Илм ўрганишдан асло тинчима.

* * *

Ҳашамдорлик, бахиллик ва ҳасадни тананг, молинг,

марtabанг учун заҳар бил.

* * *

Тинчлик истасанг, ҳеч кимга ёмонлик қилма.

* * *

Ҳамиша Аллоҳнинг шукронасида бўл.

* * *

Тилингни сақлашни умринг саломатлиги бил.

ХУЛОСА

Абу Мансур Мотуридий ўз таълимоти ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр илоҳиёт мактабининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Илоҳиёт илмларининг тўла шаклланиб, такомилга етишида уларни қайта ишлаб чиқиб, маълум тизимга солишда катта бир ишни амалга оширди. Буюк аллома ўз қарашлари билан ҳанафийлик таълимотининг Ўрта Осиё халқлари анъаналари ва урфодатлари билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатиб берди. Буюк ватандошимиз яратган таълимот ислом динининг буюк ақидавий мактабларидан бири сифатида кенг кўламда тан олинди.

Суннийликнинг ҳанафийлик мазҳабига эътиқод қилувчиларнинг барчаси ақида бобида Имом Мотуридий ва унинг шогирдлари ҳамда издошлари ёзиб қолдирган қимматли асарларга таяниб иш кўрадилар. Энг эътиборлиси, ислом оламининг аксарият минтақаларида, Сурия, Ироқ, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Шимолий Африкада мотуридийлик таълимоти ҳозир ҳам ўрта ва олий диний ўкув юргуларида мустакил фан сифатида ўқитиб келинади.

Европа ва Туркия олимлари томонидан калом илми тарихига оид кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, Марказий Осиё худудида ушбу соҳа бўйича ҳали етарли ишлар амалга оширилгани йўқ эди. 2000 йил Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги Ўзбекистонда кенг нишонланиши ушбу соҳада ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг фаолияти ривожига туртки бўлган бўлса, иккинчидан 2000 йилда олмон шарқшуноси Ульрих Рудольфнинг Абу Мансур Мотуридий илмий меросига оид тадқиқоти рус ва ўзбек тилига таржима қилингани унга бўлган қизиқиши янада оширди. Ва ниҳоят 2020 йил

11 августда юртбошимиз томонидан “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чоратадбирлари түғрисида”ги қарори соҳани янада чуқурроқ ўрганиш, Имом Мотуридийнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, мотуридийлик таълимотини халқаро миқёсда тарғиб-ташвиқ қилиш имкониятини берди. Ўтган йиллар ичida калом илми тарихи, хусусан, мотуридия таълимотига бағищлаб Ўзбекистонда Ш.Зиёдов, С.Оқилов, Ҳ.Сагдиев, Э.Даминов, А.Аллоқулов ва Ў.Полвоновлар диссертациялар ҳимоя қилдилар.

Бугунги кунда мотуридийлик таълимотини изчил ўрганиш, манбаларини атрофлича таҳлил қилиш хорижий ва маҳаллий мутахассислар олдида турган улкан вазифалардан биридир. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан олимнинг “Таъвилот ал-Куръон” ва “Китоб ат-тавҳид” асарларини ўзбек тилига таржима қилиниши юртимизда мотуридийлик таълимотининг яна жонланиши, ривожланиши гарови сифатида баҳолаш мумкин.

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
Имом Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти.....	6
Олимнинг илмий мероси.....	20
Уламоларнинг эътирофлари	25
Имом Мотуридий ҳикматларидан намуналар	27
Хулоса	29

ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

ИМОМ МОТУРИДИЙ

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2022

*Нашр учун масъул: Жамолиддин Каримов
Бадийи мұхаррір: Толибжон Низом
Дизайнер-сағиfalовчи: Зарифжон Ғуломов*

Нашриёттинг лицензия рақами
АГ № 0011. 06.05.2019 йил.
Босмахонаага 01.06.2022 йилда берилди.
Бичими 84×108 % Шартли б.т. 1,9. Нашр т. 1,8.
Буюртма № 51.
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Кодирий, 11.